

кин (бошоқ узунлиги, бошоқдаги дон сони) ва ташқи шароит омиллари ва йиллар мобайнида, ўсимликнинг ривожланиш шароитига қараб яққол кўзга ташланиши ёки бунинг акси бўлиши мумкин.

Танлаб олинган тизмаларда ўсимлик бўйи ўртача баландликка эга бўлишига қарамасдан, ётиб қолишга чидамли бўлиб 8 та ўсимлик 9 балл билан баҳоланди. Тажриба даласига 8 апрелда ёғган қор ўсимликларга салбий таъсир кўрсатди, натижада айрим нав ва тизмалар ётиб қолди.

Ҳосилдорлик бир хил бўлганлиги билан унинг структуравий тузилиши ҳар хил бўлиши мумкин ва махсулдорликни оширишда бошланғич манбаларга қўйилаётган талаб

ўзгачадир. 2020 йилда лойиҳа доирасида ўрганилган тизмаларнинг ҳосилдорлиги кўрсаткичлари 20,5-73,3 ц/га ни ташкил этганлиги аниқланди. Барча нав ва тизмалар орасида KR15-ПҲТ13-970 тизмаси энг кам ҳосилдорликни намоён қилган бўлса, GCB-17/2017-10 тизмаси 73,3 ц/га барча нав ва тизмалар орасида юқори ҳосилдорликни намоён қилди. Ўрганилган барча нав ва тизмалар орасида 6 та тизма 60 ц/га дан юқори ҳосилдорликка эга эканлигини намоён қилди.

Диёр Жўраев,

к/х.ф.ф.д. катта илмий ходим,

Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти.

АДАБИЁТЛАР:

1. Аманов А., Бўриев Ҳ.Ч., Ғафурова Л.А., Нурбеков А. Бир бошоқ дон. -Тошкент: Меҳнат. 2003. –Б. 30-35.
2. Абдуазимов А. Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги соҳасининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари. Республика илмий-амалий анжумани илмий материаллари.-Тошкент. 2015.-Б. 196-199.
3. Абдуазимов А. Баҳорги юмшоқ буғдой навлари ҳосилдорлигига об-ҳаво шароитларининг таъсири // “Агро илм” журнали (Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали илмий иловаси). 2017 йил. -6(50) сон. –Б. 19-21.
4. Ўринбоев Т.Х., Илашев А.И. Жиззах вилоятида буғдойчиликнинг илмий-амалий асослари. –Фаллаорол, 2010. –Б. 35-55.
5. Аманов А., Бўриев Ҳ.Ч., Ғафурова Л.А., Нурбеков А. Бир бошоқ дон. -Тошкент: Меҳнат. 2003. –Б. 30-35.

УЎТ: 633.11+631.51+664.6/7

ҒАЛЛАЧИЛИК СИРАЛARI

ДОННИ ЕТИШТИРИШ, ЙИҒИБ ОЛИШ, ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА САҚЛАШ ДАВРИДА ЙЎҚОТИШЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ТАЪСИР ҚИЛАДИГАН ОМИЛЛАР

Annotation: Proper organization of conditions for high-quality cultivation, harvesting and storage of grain, the elimination of grain losses will create the basis for increasing the economy of processing enterprises.

Keywords: fertilizer, technological, completeness, seed, object, new, physiological, vegetation, regime, soil, performance, standard, harrow

Аннотация: Правильная организация условий для качественной обработки, уборки и хранения зерна, исключение потерь зерна создаст основу для увеличения экономики перерабатывающих предприятий.

Ключевые слова: удобрение, технологическая, полнота, семя, объект, сорт, физиологический, растительность, режим, почва, климат, стандарт, борона.

Донни сифатли етиштириш, йиғиб олиш ва уни сақлаш шароитини тўғри ташкил қилиш, дон ҳосилини нобудгарчиликсиз бартараф этиш қайта ишлаш корхоналарининг иқтисодиётини оширишга замин яратди.

Ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши шароитлари, доннинг шаклланиши, ҳосил сифатига ва миқдорига катта таъсир кўрсатади. Шунинг назарда тутиш лозимки, турли иқлим ва тупроқларга экилган бир навли уруғ турлича ривожланиб, турли ҳосил бериши уларнинг кимёвий таркиби, тузилиши, тўлиқлиги йириклиги ва бошқа технологик сифат кўрсаткичлари ҳар хил бўлади. Дон сифатига ўғитлаш ҳам катта таъсир кўрсатади.

Экиладиган уруғ сифати, ўсимликнинг униб чиқиши, ўсиши, ривожланиши, касаллик, зараркунанда ва ноқулай об-ҳаво шароитларига чидамлилиги ва ҳоказоларга таъсир этади.

Республикамиз олимлари Р.Орипов, Н.Халилов, Т.Ходжакулов, Х.Атабаева, Б.Холиқов, Р.Сиддиқов, С.Негматовалар олиб борган илмий ишларида ҳам ўзининг яққол исботини топган.

Дон массасининг сифати ва хусусиятларига доннинг нави, шунингдек экиладиган уруғ сифати ҳам қилувчи объект ҳисобланади.

Дон массасининг ғовақлиги айрим ҳолларда сочиловчанлиги навга боғлиқ ҳолда ўзгариб туради.

Бир ўсимликнинг турли навга хос бўлган донлари сақлаш жараёнида турли физиологик фаолликни намоён этиши, шунингдек турли нафас олиш жадаллигига эга бўлиши мумкин.

Вилоятимизда ҳудудда жойлашган дон ва дуккакли экинлар селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтининг кўпгина олимлари томонидан тупроқ иқлим, гаремсел ва қурғоқчиликка чидамли бўлган ўндан ошиқ навлар яратилди. Шу яратилган навлар барча фермер хўжалик далаларида экилиниб улардан мўл ҳосил олишга эришилмоқда. Фермер далаларида экиш учун нормалар гектарига белгиланган улар млн. донга ёки кг ҳисобида амалга оширилади. Уруғлик донларни назорат қилиш учун стандартлар асосида навнинг тозаллиги, унвчанлиги, намлиги, дориллаш, қуритиш ва қоплаш жараёнлари амалга оширилиб фермер далаларининг гектари ҳисобида тақсимлаб, уруғ тарқатиш шахобчалари орқали етказиб берилади. Сара уруғ мўл ҳосил гарови ҳисобланади.

Маълумки ҳар бир дон ёки уруғ нави қишлоқ хўжалигида эътибор қилинадиган хусусиятларидан ташқари ҳосилдорлик,

вегетация даври, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги, турли истеъмол кўрсаткичларига эга бўлади.

Мавсумий иқлим шароитлари ҳам дон сифатига таъсир қилмасдан қолмайди. Масалан йиғим-терим олдида ва терим вақтида ёгингарчилик кўп бўлса, доннинг намлиги ортиб кетади ва сақланувчанлик кўрсаткичлари кескин тушиб кетади. Аксинча курғоқчилик бўлса дон ҳаддан ташқари қуриб кетади, ёки намлик етишмаслигидан донлар тўлиқ етилмай қолади.

Шунингдек дон сифати ва ҳосилдорлигига бегона ўтлар ҳам катта таъсир кўрсатади. Бегона ўт билан ифлосланган далаларда дон экинлари яхши ўсиб ривожланмайди. Айниқса ғаллага берилган минерал ўғитларни кўп қисмини бегона ўтлар ўзлаштириб олишга эришади.

З.Ибрагимов ва С.Суллiewаларнинг бегона ўтларга қарши олиб борган илмий-тадқиқот ишларида тажрибаларидан шунга амин бўлдики бегона ўтларни ўз вақтида бугдой даласини ўзида гербицидларни қўллаб йўқотиш яхши самара берганлиги таъкидланган. Бегона ўт уруғлари ҳосилдорликни кескин пасайтиради ва доннинг сифатини бузади.

Бегона ўтлар уруғлари йиғим-терим даврида асосий ўсимлик донларига қўшилиб кетади ва дон массасини ифлослантириб юборади, дон массасининг сифати пасаяди.

Шунинг учун донлар сақлашга жойлаштирилишидан олдин яхшилаб тозаланиши лозим. Доннинг сифати ва сақланувчанлиги кўп жиҳатдан йиғим-терим жараёнларига боғлиқдир. Мазкур жараёнлар қанчалик сифатли ташкиллаштирилса ҳосил сифати ва миқдори шунча юқори бўлади.

Республикамызда дон экинларини йиғиштириб олиш, тўғридан-тўғри йиғиб олиш усулида амалга оширилади. Тўғридан-тўғри йиғиб олиш усули терим муддатини мумкин қадар қисқартириш лозим, бу эса юқори мўл ҳосил олишга эришиш ҳисобланади. Терим муддати қанчалик чўзилиб кетса, донлар тўкила бошлайди ва нобудгарчиликни келтириб чиқаради. Донли экинлари асосан механизация ёрдамида йиғиштириб олинади. Механизация тури, ишлаш принциплари ва русумлари доннинг сифати ва ҳусусиятларига катта таъсир кўрсатади. Донни иложи борица механик шикаст етказмай, бегона аралашмаларсиз йиғиб олиш лозим ҳозирги кунда мамалакатимизда донни сифатли йиғиштириб олиш учун замонавий илғор технологиялар жорий қилинган. Жумладан, Американинг "Кейс" компаниясининг замонавий, юқори самарадорликка эга бўлган комбайнларидан механизация ишларида кенг қўламда фойдаланилмоқда.

Дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарига топширишдан олдин дон дастлабки сақлаш учун туман дон қабул қилиш пунктларида очиқ ҳолатда хирмонларга жойлаштирилади. Бу босқич дон партиясига боғлиқ ҳолда бир неча соат ва суткадан бир ойгача ва ундан ортиқ бўлиши мумкин. Донни дастлабки сақлашда зараркунандалар билан зарарланиши, намланиб қолиши ва микроорганизмлар ривожланишидан жуда ҳам эҳтиёт қилиш лозим. Доннинг зарарланишига кўпинча уни хирмонларда, дала шароитларида, ўтган йилги қолдиқлардан яхши тозаланмаган омборхоналарда сақлаш сабаб бўлади. Дон массаси сифатининг пасайиши уни ташиш жараёнида ҳам кузатилиши мумкин. Дон массасининг сифати ва сақланувчанлиги кўп жиҳатдан йиғиб

олинган заҳоти жойлаштирилган жойнинг шароитига боғлиқ. Дон йиғиб олинган заҳоти дарҳол белгиланган манзилга етказилиши лозим. Доннинг механизация воситалари бункерларида қолиб кетиши унинг сифатини пасайишига олиб келади.

Дон ишлаб чиқариш корхоналарига турли ҳолат ва сифат кўрсаткичларига эга бўлган ҳолда келтирилади. Келтирилган дон массасига масъулиятли муносабатда бўлиш талаб этилади. Қабул қилинган дон тўғри анализ қилиниши ва сифати бўйича аниқ ажратилиши лозим. Бундан ташқари уларга ҳужжатларни расмийлаштириш, сақлашда тўғри режимларни қўллаш ва замонавий ишлов бериш тизимларини жорий қилиш лозим.

Тажрибаларимизга асосланиб олиб борилган тажрибаларимиз натижаларига асосланган ҳолда уруғлик донларни йиғиштириб олиш, 1-2 ҳафта олдин бошланади улар 3 ой мобайнида қуритилиб, тозалаб, саралаб, дориллаб, қуритилиб қадоқланиб ёпиқ омборларда ёки нишабли ҳаво яхши айланадиган, чиқиндилардан тозаланган омборларда паддонларда 1 тоннадан шахмат усулида сақлаб, сўнг октябр ойининг 2 ва 3 ўн кунлигида экиш учун тарқатилади.

Даладан то қабул қилиш корхоналарига олиб келгунга қадар 10-12% йўқотувлар содир бўлади. Зарарли ҳасва кемирувчисини таъсири 2 % ни ва ундан кўпроқ кўрсаткични ҳам ташкил этади. Товар учун йиғиштирилган донлар тиним даврини ва етилиш даврини ўташ учун, очиқ шароитда июн, июл, август, сентябр ойларида қўёшли бетонли майдонларда сақлаб турилади. Бу вақтда 4 ой мобайнида ташқи муҳит таъсиридан қушлар, ҳаводаги чанг ва ифлос гардлар доннинг устки қисмига жойлашиб улгуради. Олинган натижаларни таҳлил қиладиган бўлсак фақат дон билан озиқланадиган қаламуш йил давомида 22-25 кг, 1 дон қуш бир кунда 8-12 г, 1 йилда 4 кг 320 гр донни еб қўяди. Чумчуқлар қаптарлар ва бошқа қушлар омбор ёки дон уюмларига очиқ майдондаги ва хирмондаги донларга кўплаб қирон келтиради. Бундан ташқари улар дон уюмларини ўз ахлатлари, патлари билан ифлослантириб юборади.

Доннинг сифати зараркунанда ва касалликлар таъсирида ҳам ўзгаради. Айниқса зараркунандалар доннинг нонвойлик сифатини кескин туширади.

Вилоятимизда жойлашган донни қайта ишлаш корхоналарининг 3 тасида замонавий дон омборлари мавжуд, аммо кўплари бир қаватли уй шаклидаги ёпиқ омборлар бўлса, айримларида очиқ шаклдаги нишабли айвонларда дон захиралари сақланиб келинади. Очиқ нишабли айвонларда йилнинг фасллари ўзгариши оқибатида ҳам йўқотишлар содир бўлади.

Дон ва дон маҳсулотларини сақлаш бошқа кўпгина товарлар сингари мамлакатда мураккаб тадбир ҳисобланади. Дон маҳсулотларини сақлашни ташкил этиш катта миқдорда моддий-техник база ҳамда малакали мутахассисларни талаб этади.

Корхона ҳудудидаги омборларига донни жойлаштиришдан олдин иложи борица эски ҳосилни батамом тугатиш ва омборларни тозалигига ишонч ҳосил қилиш, санитария ҳолатлари амалга оширилган ва доннинг намлигига эътиборли бўлиш муҳим ҳисобланади. Бу эса дон корхоналарининг иқтисодиётини янада оширишга олиб келади.

З.Д.ХОЛМУРОВА,
ҚМШИ.

АДАБИЁТЛАР:

- 1.Хайитов Р.А., Зупаров Р.И., Раджабова В.Э., Шукуров З.З. „Дон ва дон маҳсулотларининг сифатини баҳолаш ҳамда назорат қилиш“. Ташкент 2000й.
- 2.Научно - технический и производственный журнал «Хлебопродукты».
- 3.М. Абдуллаев., Г. Закладной «Дон захиралари зараркунандалари ва уларга қарши кураш профилактик чоралари» Т. «Шарк» 2001.
- 4.Х.Бўриев ва бошқалар «Дон маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш» Т. «Мехнат» 1997.

ДУККАКЛИ ДОН ЭКИНЛАРИ (НҲХАТ, МОШ, ЛОВИЯ, СОЯ) ОРАСИДА УЧРАЙДИГАН БЕГОНА ЎТЛАР ТУР МИҚДОРИ ВА ЗАРАРЛАШ ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ

Аннотация. Бегона ўтлар қишлоқ хўжалиги ҳосилдорлиги ва сифатини пасайтиради. Бегона ўтлар билан ўртача ифлосланганда ҳосилдорлик 20-25 % га камаяди, ўта кучли ифлосланганда ҳосил олиш имконияти йўқолади.

Аннотация. Сорные растения снижают урожайность сельскохозяйственных культур, ухудшают качество продукции. При средней засоренности посевов урожайность снижается на 20-25%, а при сильной засоренности вообще можно не получить урожая.

Abstract. The Weeds reduce the productivity of the agricultural cultures, worsen the quality to product. Under average sowing productivity falls on 20-25%, but under strong in general possible not to get the harvests.

Республикамизда такрорий экинларни ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш, қайта ишлаш саноатини талабини қондириш ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 29 мартдаги 259-сон қарорига асосан ҳозирги кунда дуккакли дон экинлари 55979, жумладан мош 20638, нўхат 21368, соя 19800 гектар ерга экилмоқда. Дон-дуккакли экинларда ҳосилдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини кўтариш ҳамда ушбу маҳсулотларни қайта ишлаб, уларни чет элга экспорт қилиш имкониятлари яратилди.

Дон-дуккакли экинларда юқори сифатли ва ҳосилдор маҳсулотлар етиштиришда бегона ўтларга қарши кураш чораларини қўллаш зарурдир. Бунинг учун агротехник тадбирларни ўз вақти сифатли ўтказиш билан бир қаторда бегона ўтларга қарши химиявий кураш чораларини олиб бориш ҳосилдорликни ошириш учун муҳимдир.

Ўзбекистонда дуккакли дон экинлари қанча кўп экилса, етиштириладиган оқсил миқдори шунча кўпаяди, тупроқ унумдорлиги ортади, экологик муаммолар ҳал қилинади. Биологик азотнинг ўзлаштирилиши маълум шароитлардагина фаол ўтади. Дуккакли экинларда яшайдиган бактерияларнинг 11 тури мавжуд. Ризобиум бактерияларининг ривожланиши учун ўзига хос шароит талаб қилинади.

Тупроқда ўсимлик учун хос ризобиум бактерияларининг турлари мавжуд бўлса, бактериялар ўғит нитрагин ёки ризоторфин ишлатилмаганда ҳам симбиоз рўй бериб, атмосфера азоти туганак бактериялар томонидан ўзлаштирила бошланади. Тупроқда туганак бактерия бўлмаса, ўсимлик азотни тўловчи эмас сарфловчи бўлади, натижада хўжалик зарар кўради.

Дуккакли дон экинлари илдизидан туганак бактериялари тўпланиб, атмосферадаги молекуляр ҳолдаги эркин азотни ўзлаштириб, тупроқда биологик ҳолда 50-100 кг., баъзан 150 кг. атрофида азот қолдиради. Биргина мош бутун вегетация даври мобайнида ўзидан кейин 2,5-4,0 тонна миқдорида илдиз қолдиқларини тупроқда қолдиргач, тупроқдаги қийин эрийдиган фосфор бирикмаларини ўзлаштиришга ёрдам беради.

Бундан ташқари асосий экиндан бўшаган далаларга такрорий экинлар экилмаганда бегона ўтларга қарши кураш чоралари қўлланмаслиги туфайли бегона ўтлар сони ошиб боришига замин яратилмоқда. Дон-дуккакли экинларда орасида учрайдиган бегона ўтларга қарши курашилганда, кейинги йилги асосий экин орасидаги бегона ўтлар сони ҳам кескин камайиши кузатилади.

Соя дуккаклилар (*Fabaceae* L.) оиласига мансуб (*Glicina hispida* L.) бир йиллик ўтсимон ўсимлик. Нўхат – *Cicer*

aretinum L. бир йиллик ўтсимон ўсимлик. Мош дуккакдошлар (*Leguminosae*) оиласига мансуб бўлган мошнинг лотинча номи (*Phaseolusaureus* Piper) бўлиб, ватани жанубий-ғарбий Осиё ҳисобланади. Оддий ловия (*Phaseolus vulgaris* Savi) пояси туп ёки чирмашадиган.

Соянинг донидан 30-52 % оқсил, 18-25 % ёғ, 20 % углеводлар бор. Унинг донидан қандли диабет касалликлари учун парҳез таомлар тайёрланади. Донидан сут, қатик, творог, колбаса маҳсулотлари, маргарин, ун, кондитер маҳсулотлари, мой, консервалар тайёрлашда фойдаланилади. Соянинг асосий оқсилли – глицинин яхши ҳазмланади, сувда яхши эрийди, ачиб қатикқа айланади, унинг оқсилли алмаштирилмайдиган аминокислоталарга бой. Дунёда ялпи ишлаб чиқарилган ўсимлик мойининг 40 % и сояникига тўғри келади.

Нўхат дони таркибида 25-30 % оқсил, 4-7 % ёғ, 47-60 % азотсиз экстрактланадиган моддалар, 2,4-12,8 % целлюлоза, 4,0 % кул, витамин В₁ ҳамда маъданли тузлар бўлади.

Мош дони таркибида 24-28 фоиз оқсил, 2-4 фоиз мой, 46-50 фоиз крахмал, В гуруҳи витаминлари, лизин, аргинин мавжуд бўлиб, дуккакли дон экинлари орасида оқсил ва витаминларга бой бўлиши, каллориясининг кўплиги билан ажралиб туради. Мош дони озқалик қиймати билан буғдой, ловия, нўхат, кўкнўхат ва жавдар донларидан 1,5-2 баравар, тўйимчилиги билан эса 1,5 баравар устун туради. Мош таркибидаги оқсилнинг ҳазм бўлиши 86 фоизга етади. Бундан ташқари, мош дони таркибида Mg, Ca, S, Na, Fe, Ma, Cu, B, Co, Ni, I каби макро-микроэлементлар бўлиб, фосфор тузларига бой.

Ловия Уруғларида 28-30 %, яшилдуккакларида 18 % оқсилсақланади. Унинг яшилдуккакларида 2 % қанд, шунингдек 100 гмассасида 22 мг витамин сақланади.

Дехқончиликнинг асосий қонунларидан бири озқа моддаларни тупроққа қайтариш қонунини четлаб ўтиб бўлмайди. Шундай экан, дуккакли дон экинларининг экин майдонларини кенгайтириш орқали тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш мумкин. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ҳаводаги эркин азотни дуккакли экинлар илдизлари яшовчи туганак бактерияларни ўзлаштириш механизмига ва салмоғи дуккакли дон ўсимликларининг тури, навлари, табиий иқлим шароити, етиштириш агротехикасига боғлиқлигини қайд этиш лозим.

Аммо юқоридаги экинлари орасида бегона ўтлар жуда кўп учраб, экин майдонларини ифлослантиради ва турли хил касаллик ва зараркундалар ривожланишига асосий манба бўлиб хизмат қилади. Бегона ўтларга қарши курашишнинг бир неча усуллари мавжуд бўлиб, кимёвий кураш чоралари ҳам асосий ўринни эгалламоқда. Чунки такрорий экинларни қисқи вақт ичида ҳосилни йиғиштириб олиб асосий экин экишга тайёргарлик кўриш лозим. Қўл билан ўтоқ қилиш